

Узун тумани “Янги йўл” маҳалласида давра суҳбати ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармонни жамоатчиликка етказиш мақсадида Узун тумани “Янги йўл” маҳалласида давра суҳбати ўтказилди.



Давра суҳбатида туман Кенгаши депутати Сафаргул Ражабова куни кеча қабул қилинган Фармон – маҳаллий даражада давлат ҳокимиятини трансформация қилишга, том маънода халқчил тизимни жорий этишга қаратилган муҳим сиёсий ислохотларнинг мантиқий давоми бўлганлигини таъкидлади. Учрашув сўнгида савол жавоблар, фикр мулоҳазалар билдирилди.